

Корхона (ташкilot, муассалар ва юридик шахс)лар учун қаттиқ маиший чиқинди(ҚМЧ) ва суюқ маиший чиқиндиларни (СМЧ) олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш

№ 7 -сонли ШАРТНОМА

“20” 01 2022\_йил

Бағдод тумани

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи Низом асосида фаолият олиб боровчи Фаргона вилояти “Тоza Худуд” ДУК Бағдод туман филиали номидан рахбар Б.Зиятов, бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи Бағдод тумани ҳоқими В. Назаров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

- 1.1. “Буюртмачи” қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар(бундан буён ҚМЧ ва СМЧ деб ўқилсин) ни топширади, “Ижрочи” эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига “Буюртмачи” томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган ҚМЧ ва СМЧ ларни ташиб чиқиб кетишни уз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса хизмат туловларини тулаб бериши шарт.
- 1.2. ҚМЧ ларни умимий хажми бир йилга 6,5 м3 299000/ишчи уз шўх соҳа тўғрисида суммани ташкил этади.
- 1.3. СМЧ ларни умумий хажми бир йилга \_\_\_\_\_ тонна \_\_\_\_\_ суммани ташкил этади.
- 1.4. ҚМЧ ва СМЧ ларни умумий қиймати \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

### 2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх бир м3 ҚМЧ учун 46000 сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз)
- 2.2 СМЧ хар бир тоннаси учун \_\_\_\_\_ сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз).
- 2.3 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси (- 299000 Ишчи уз тўғрисида шўх соҳа тўғрисида) суммани ташкил этади.
- 2.4 Ҳисоб-китоб ҳисоб рақамига пул ўтказиб бериш йўли билан амлга оширилади. Шартноманинг 2.1-2.2-бандида қайд этилган маълумотлар тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб учун асос ҳисобланади. Маъмур шартноманинг 1.1-1.2-1.3-бандида кўрсатилган ҳисоб-китоб шартноманинг 9.2-банди талабларига риоя этилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.
- 2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонида асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилаадиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кузда тутилган тўлов суммаси 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади.

### 3. “БУЮРТМАЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1 Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш хажми ва олиб кетиш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йиғиш қутиларига олиб чиқиб ташлаш белгиланган
- 3.2. ҚМЧ ташланадиган қутиларни куриш, йирик хажмдаги чиқиндилар ва шўх шаббаларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвазига бир марталик шартнома тузиш.
- 3.3. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарни эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолатда сақланишини таъминлаш.
- 3.4. ҚМЧ ни ўз вақтида олиб чиқиб кетишини ва СМЧ ларни буюртма асосида олиб чиқиб кетишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда \_\_\_\_\_ телефонида телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочиға” маълумот бериш.
- 3.5. Бажарилган ишнинг хажмини “Ижрочи”нинг ҳужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

### 4. ”ИЖРОЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Шартнома кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.
- 4.2. “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига кўрилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.
- 4.3. Хар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида “Буюртмачи” ҳисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.
- 4.4. “Буюртмачи” томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.
- 4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тазалик назоратини олиб бориш.
- 4.6 СМЧ ларни олиб чиқиб кетиш бўйича ижрога буюртма бериш.
- 4.7 Фавқулотда ҳолатларда буюртмачига қўшимча равишда буюртма берилади ва бир марталик шартнома асосида алоҳида ҳисоб китоб қилинади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4 % микдориди, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган микдорда "Ижрочи" га пеня тўлайди.

Агар "Ижрочи" ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чикиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2 "Ижрочи" ўз вақтида ҚМЧ олиб чикиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чикиб кетмаган ҚМЧ ҳажми кийматидан 0.4%микдориди, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50% дан ошмаган микдориди "Буюртмачи"га пеня тўлайди.

5.3 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5.4 Ушбу шартномада кўрсатилган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланган.

## 6. Шартнома муддати

6.1. Мазкур шартнома «\_\_\_» «\_\_\_» «20\_\_» йилда бошланиб, «\_\_\_» «\_\_\_» «20\_\_» йилда тамомланди.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома юзасидан низолар ва келишимовчиликлар тарафларнинг шцаро келишуви билан бартараф этилади.

7.2. Тарафлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган судгача келишимовчиликларни ҳал этиш чоралари (талабнома юбориш ва х.з) кўрилгунга қарамай низо ўзаро ҳал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда низони ҳал этиш учун тегишли тартибда Фарғона филиоти Иктисодий судига муружат этилади.

## 8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1. Тарафлар ўз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд ҳолатлар (шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш ҳолати тарафларининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа табиий офатлар) ҳамда Ҳукуматнинг норматив ҳуқуқий ҳужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларини бажарилишига тўсқинлик қилишига олиб келганда, бу ҳолатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки ҳафта олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилинган ҳолдагина ушбу ҳолатлар форс-мажор ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатлар тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

## 9. Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тартиби

9.1 Амалдаги шартнома муддатидан олдин қуйдаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

9.2 Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу ҳақдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий деб топиллиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.3 Ушбу шартнома икки нусхада бўлиб, хар бири юридик кучга эгадир. Шарнома бир донадан хар бир тарафда сақланади.

## 10. ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

<<Ижрочи>>

<<Тоза ҳудуд>> ДУК Бағдод туман филиали  
(Маиший чиқинди олиб кетувчининг номи)  
Манзил: Бағдод тумани  
Х/Р: 22604000700782008042  
Банкноми: Ипотека Банк Фарғона  
МФО: 00544 СТИР: 304906649  
Тел.: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Б. Зиятов  
(имзо)

<<Буюртмачи>>

Ваҳодат тўғрисида қарор  
(Маблағ олувчининг номи)  
Манзил: Мусаббахлик 154  
ш/р: 1000778600005701120408001  
Х/Р 28402000300100001010  
МФО: 0004 ХХТҮТ 88112 СТИР 200159001  
Банкнинг номи Ўзбекистон Республикаси  
МФО 00004

Раҳбар: \_\_\_\_\_ В. Назаров  
(имзо)

## Юридик ҳулоса

Тузилаётган шартнома лойиҳасини ҳуқуқий экспертизасини «Хўжалик юритувчи объектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуннинг 10,20,21- моддаларига биноан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-354, 357-366-моддаларига мос келади.

Шарнома предмети, ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби нимидан шартномани имзоловчи ваколатларни ўрганиб, Шартнома тузишга Ваколатлилиги аниқланди. Мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда тузилди ва бу шартнома бўйича тарафлар ўзаро хўжалик алоқаларини йўлга қўйиб манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишлари мумкин.

Ҳулоса сифатида шартномани имзолош мумкинлиги аниқланди.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ М. Абдураҳимов